



2020 yil «24» март 39 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**Самарқанд вилоятида кўчма
савдони амалга оширишни
тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 9 январдаги (02/1-35-сон) топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда вилоятда кўчма савдо учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар:

Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда - Низом) 1-иловага мувофиқ;

“YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда - “YERELEKTRON” ААТ)га уланадиган бошқарма ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2020 йил 15 апрелдан бошлаб:

кўчма савдо тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчма савдо объектларининг “YER AUKSION” электрон савдо майдонида (кейинги ўринларда – “YER AUKSION” ЭСМ) электрон рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилиши;

кўчма савдо жойи электрон аукцион орқали “YER AUKSION” ЭСМ жойлашув схемалари доирасида сотилиши таъминлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари Низом талабларига риоя этилиши юзасидан ўрнатилган тартибда назорат олиб борсин.

4. Вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Б.Назаров), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов), вилоят “Ермулккадастр”

давлат корхонаси (Ш.Рўзиқулов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда:

шаҳар ва туманлар ҳудудида савдо ўринларини кўрсатган ҳолда кўчма савдо объектларининг жойлашув схемаларини тузиш;

жойлашув схемасига мувофиқ кўчма савдо объекти жойлашган ер майдонини “YER AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали сотувга чиқариш;

кўчма савдо объектларини жойлаштириш бўйича таклиф келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида таклиф этилган ер участкасини “YER AUKSION” электрон савдо майдончасига чиқарилишини таъминлаш;

рўйхатга олиш йиғимлари учун ҳисоб-китоб қилиш ҳамда пул маблағларини қайтариш;

тадбиркорлик субъектларига кўчма савдо объекти рўйхатга олинганини тасдиқловчи QR-код (матрица-штрих код) қўйилган электрон ҳужжатни реал вақт режимида юбориш вазифалари топширилсин.

5. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ш.Ахмедов) кўчма савдо объектлари тўғрисидаги маълумотлар реестрини белгиланган тартибда юритилишини ҳамда Низом талабларига риоя қилиниши бўйича мониторинг олиб борилишини таъминласин.

6. Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Ш.Юлдашев)га шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда Низомнинг мазмун ва моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш ҳамда уларни кўчма савдони амалга оширишга жалб қилиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

7. Белгилансинки, кўчма савдо объектларининг жойлар сони кўрсатилган ҳолдаги жойлашув схемаларини келишиш, қатъий электрон шаклда, “YERELEKTRON” ААТ орқали унга ер участкалари бўйича маълумотлар киритилганидан сўнг уч иш кунида автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

8. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 16 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги “Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 233-сонли қарори тўғрисида”ги 205-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Шаҳар ва туман ҳокимликлари манфаатдор бошқарма ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатларни икки ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник”

газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

11. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (М.Ибодуллаев), вилоят телевидениеси (М.Ихтиёров), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев), “Овози Самарқанд” газетаси (Б.Раҳманов)га мазкур қарорнинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Вилоят ҳокимининг
2020 йил 24 мартдаги
39-5 -сон қарорига
1-илова

Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Кўчма савдони амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (кейинги ўринларда – Низом) Самарқанд вилояти ҳудудида кўчма савдони амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

байрам ва байрамолди кунларида савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кўчма савдони амалга оширишга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида кўргазма ва ярмарка савдоси ўтказишга;

мева-сабзавот маҳсулотларини бозорлар ва савдо комплексларида чакана сотишга;

амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

3. Вилоят ҳудудида кўчма савдо қилиш ҳуқуқи ушбу Низомда белгиланган тартибга мувофиқ кўчма савдо объектларини “YER AUKSION” электрон савдо майдонида (кейинги ўринларда – “YER AUKSION” ЭСМ) электрон рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига берилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўчма савдо - кўчма савдо объектларидан фойдаланган ҳолда турғун савдо шохобчаларидан ташқарида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш;

кўчма савдо объектлари - вақтинчалик асосда жойлаштирилган ва мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлган, шунингдек иш куни тамом бўлгандан кейин объектни қисмларга ажратиш ва кўчириш талаб этиладиган кўчма савдо объектлари (лотоклар, пештахталар, савдо аравачалари, палаткалар, автодўконлар, автотиркамалар, автоцистерналар, фудтраклар, тонарлар, савдо автоматлари ва бошқа ҳаракатланувчи объектлар). Қисмларга ажратиш ва кўчириш талаблари савдо автоматларига татбиқ этилмайди.

кўчма савдо қилинадиган жой - “YER AUKSION” ЭСМда рўйхатдан ўтказишда кўрсатилган кўчма савдо объекти ҳудудий жойлашган жой;

кўчма савдо объектнинг ихтисослашуви - сотиладиган товарларни товар гуруҳларидан бирига тегишли эканини ифодаловчи ассортимент ўзига хослик;

закалат - электрон савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан бошланғич нархнинг 20 фоизи миқдорида тўланадиган маблағ;

кўчма савдо субъектлари - тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда кўчма савдо амалга ошириш учун кўчма савдо объектларини ўрнатилган тартибда “YER AUKSION” ЭСМдан рўйхатдан ўтказган шахслар;

ваколатли идора - шаҳар ва туманлар ҳокимликлари;

иштирокчи - электрон аукционда иштирок этиш учун буюртма берган тадбиркорлик субъекти;

жойлашув схемаси - кўчма савдо объектларининг дастлаб тасдиқланган жойлаштириш жойлари;

GPS трекер - кўчма савдо объектларининг сунъий йўлдош орқали назорат қилиш учун, объектни аниқ жойлашган жойини аниқлаш учун қотириб қўйиладиган маълумотларни қабул қилиш-узатиш қурилмаси;

II боб. Кўчма савдо амалга оширишга талаблар ва шартлар

5. Кўчма савдони амалга оширишда қуйидагилар мажбурий талаблар ва шартларга тегишлидир:

чакана савдо соҳасидаги қонун ҳужжатларига, санитария қоидалари ва нормаларига мажбурий риоя қилиш;

банк пластик карточкалар ёки маълумотлар алмашилиш платформалари – виртуал кассалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминали мавжудлиги;

кўчма савдо объектлари яқинида маиший чиқиндилар учун урналарни жойлаштириш;

кўчма савдо объекти рўйхатдан ўтган жойдаги объектлар орқали товарларни реализация қилиш.

6. Кўчма савдо объектнинг ихтисослашуви турлари:

нон, нон ва кондитер маҳсулотлари;

гўшт ва гўшт маҳсулотлари;

сут ва сут маҳсулотлари;

бир марталик ошхона анжомлари билан ёки уларсиз тез пишар (тайёрлаш) таомлари;

мева-сабзавот ва полиз экинлари, шунингдек қуруқ мевалар, писта ва ёнғоқлар;

музқаймоқлар, алкогольсиз яхна ва иссиқ ичимликлар;

озиқ-овқат маҳсулотлари;

босма маҳсулотлари;

гуллар;
 халқ ижодиёти, санъати ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотлари;
 ҳунармандчилик маҳсулотлари, сувенирлар, кийим-кечак, оёк
 кийимлар ва енгил саноат маҳсулотлари;
 ноозиқ-овақт маҳсулотлари.

7. Қуйидаги товарлар билан кўчма савдо амалга ошириш тақиқланади:

техник мураккаб маиший товарлари (металкесувчи ва ёғочни қайта ишловчи маиший техникалар, электромаиший машина ва ускуналар, маиший радиоэлектрон аппаратура, маиший ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси, фото ва киноаппаратура, телефон ва факсимил аппаратлари, электромусиқа асбоблари, электрон ўйинчоқлар, маиший газ ускуналари ва қурилмалари);

музлатиш ускуналари мавжуд бўлмаганида тез бузилувчан товарлар; болалар овқатлари (қурук сут, кукунсимон донли бўтқа, озуқа аралашмалари, мева ва сабзаёт консервалари ҳамда пюре);

ҳайвонлар;

акцизланадиган товарлар, шу жумладан алкоголь маҳсулот;

ҳашорот ва зарақунандаларга қарши курашиш учун химикат ва заҳарлар;

диний мазмундаги материаллар.

8. Қуйидаги жойларда кўчма савдо объектларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

маъмурий бинолар фасадлари ва маданий мерос объектлари олдида, табитани муҳофаза қилиш ҳудудида;

муҳандислик-коммуникация ҳимоя минтақаларида;

жамоат транспорти бекатларида тротуарнинг икки томони бўйича 15 м.дан яқин масофада (савдо автоматларидан ташқари);

кўчалар кесишмаларигача 15 м. дан яқин;

ахлат контейнерлари ва ахлат йиғиш пунктларидан 20 м. дан кам бўлмаган масофада;

сунъий иншоотларда (тўхташ навеслари, ерости ўтишлари, кўприклар, тоннеллар, транспорт ечимлар ва йўлўтказгичлар);

темир йўл кесишувигача 50 м.дан яқин.

9. Кўчма савдо объекти истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни амалга ошириш вақтида қулай бўлган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник регламентлар, шунингдек тўғри жойлашувни аниқлаш учун GPS трекер мажбурий талабларига мувофиқ зарур савдо, музлатиш ва ўзгача технологик қурилмалар билан витрина ва пештахта(лар) билан жиҳозланган бўлиши керак.

10. Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган кўчма савдо жойини ёки уни бир қисмини бошқа шахсга фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

11. Кўчма савдо амалга ошириладиган транспорт воситаси 4 (Евро-4) экологик классидан кам бўлмаган талабларга мувофиқ бўлиши, белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтган ҳамда техник соз ва тегишлича санитар ҳолатда бўлиши керак.

12. Харидорларга хизмат кўрсатиладиган витрина ва пештахталарга харидорларни эркин ўтиш имкони бўлмаган ҳолдаги харидорларга хизмат кўрсатиладиган кўчма савдо жойлаштириш (тўхтаб туриш)га йўл қўйилмайди.

13. Кўчма савдо субъектлари, қуйидагиларга мажбур:

кўчма савдо объектида кўчма савдо субъекти тўғрисидаги, кўчма савдо объектини иш вақти бошланиши ва тугаши ҳақидаги, реестрга киритилганлиги ҳақида (QR-код қўйилган электрон ҳужжат нусхаси кўринишида)ги маълумотлар, ташкилотни манзили ва телефон рақами, шунингдек савдо автоматларида шу жумладан техник хизмат телефон рақамлари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш;

ваколатли идорага кўчма савдо объектлар тўғрисидаги маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида, тегишли ўзгаришлар кирган кундан бошлаб 10 кун давомида, ваколатли идорага эркин шаклдаги ариза йўллаш ва тегишли ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини илова қилган ҳолда, ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида ахборот бериш.

14. Сотувга қўйилаётган товарлар ассортиментини, кўрсатилаётган хизматлар рўйхати, сотувчи томонидан кўчма савдони ихтисослашувига мувофиқ мустақил белгиланади.

15. Кўчма савдо субъектлари кўчма савдони улар томонидан рўйхатга ўтишда кўрсатилган иш вақти режимига асосан амалга оширадilar.

16. Транспорт воситасидаги кўчма савдо йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ транспорт воситасини тўхтаб туриши тақиқланмаган жойларда амалга оширилиши мумкин. Кўчма савдо объекти иш вақтидан ташқари фақат жиҳозланган тўхташ жойи (гараж)да тўхтаб туриши (автотураргоҳ) мумкин. Кўчма савдо объектини ҳовли-жой ва яшаш ҳудудларида тўхтаб туришига йўл қўйилмайди.

17. Савдо автоматлари орқали, қоида тариқасида, оммавий талабга эга нархи юқори бўлмаган ва стандарт шакллардаги товарлар (чой, кофе, салқин ва алкогольсиз ичимликлар, кондитер, нон маҳсулотлари, ширинликлар, алоҳида ноозик-овқат товарлар (босма маҳсулот ва газеталар) сотилади. Савдо автоматлар товар таъминоти ва техник хизмат кўрсатиш савдо автоматини “YER AUKSION” ЭСМдан рўйхатдан ўтказган, товар-моддий қимматликларини сақланишини таъминлаш ҳамда савдо автомати бузилган ҳолларда товарларни яроқсиз бўлишини

олдини олиш мажбуриятларини ўз ичига олган кўчма савдо субъекти зиммасига юклатилади.

III боб. Кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказиш тартиби

§ 1. Кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказишнинг умумий қоидалари

18. Кўчма савдо объектларини “YER AUKSION” ЭСМдан рўйхатдан ўтказиш тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчма савдо жойини бириктириш орқали электрон бланкасини тўлдириш орқали амалга оширилади.

19. Кўчма савдо жойлашув схемаси доирасида амалга оширилади. Жойлашувлар схемалари доирасидаги кўчма савдо жойи электрон аукцион орқали “YER AUKSION” ЭСМ ёрдамида амалга оширилади.

20. Кўчма савдо объектини “YER AUKSION” ЭСМдан рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги миқдорларда йиғим ундирилади:

шаҳарларнинг маъмурий марказларида кўчма савдо амалга оширганлик учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 фоизи;

туманлар маъмурий марказларида кўчма савдо амалга оширганлик учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи. Бошқа аҳоли пунктларида кўчма савдо амалга оширишга “YER AUKSION” ЭСМдан рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ундирилмайди.

§ 2. Жойлашув схемаларини тузиш

21. Туман (шаҳар) ҳокимликлари мазкур Низом 8-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ, жойлар сони кўрсатилган кўчма савдо объектларининг тегишли туман (шаҳар) ҳудудидаги жойлашувини ўз ичига олган жойлашув схемаларини тузадилар.

22. Жойлар сони кўрсатилган кўчма савдо объектларининг жойлашув схемаларини тегишлича Давлат санитария-эпидемиология осойишталик маркази, ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Қурилиш бош бошқармаси,

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан келишиш фақат электрон шаклда, “YERELEKTRON” ААТ орқали, автоматлаштирилган тартибда, унга ер участкалари бўйича маълумотлар киритилганидан сўнг 3 иш куни давомида амалга оширилади.

23. Кўчма савдо объектларининг тасдиқланган жойлашув схемалари ваколатли идора томонидан келишилганидан сўнг 10 кун давомида “YER AUKSION” ЭСМда жойлаштирилиши лозим. Жойлашув схемалари ҳар уч йилда қайта кўриб чиқилиши лозим.

24. Тадбиркорлик субъектлари кўчма савдо аниқ жойини жойлашув схемаларига кейинчалик уларни “YER AUKSION” ЭСМ орқали сотиш учун “YERELEKTRON” ААТ ёрдамида таклифлар киритишга ҳақли.

25. Танланган кўчма савдо жойи мазкур Низомга мувофиқлиги юзасидан ваколатли идоралар томонидан 3 иш куни давомида кўриб чиқилади.

26. Кўриб чиқиш натижаларига кўра ваколатли идора таклиф этилган кўчма савдо жойини “YER AUKSION” ЭСМга жойлаштиради ёки рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда жойлаштиришни рад этади.

§ 3. Кўчма савдо жойларини сотиш

27. Жойлашув схемалари доирасидаги кўчма савдо жойлари электрон аукционда “YER AUKSION” ЭСМ орқали сотилади, унинг натижаларига кўра кўчма савдо объектини жойлаштириш ҳуқуқини энг юқори нарх таклиф этган иштирокчи қўлга киритади.

28. Аукцион нархни ошириш принципи бўйича ўтказилади. Минимал бошланғич нарх ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган йиғим миқдорига тенг.

29. Аукционда исталган юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркор иштирок этишга ҳақли.

30. Аукцион ким ошди савдосида қатнашиш учун биринчи талабнома топширилган пайтдан бошланади. Ким ошди савдосини ўтказиш муддати 3 календар кун.

31. Аукцион иштирокчисини “YER AUKSION” ЭСМда рўйхатдан ўтказиш учун мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган йиғим миқдоридеги закат ундирилади.

32. Аукционда иштирок этиш учун иштирокчи “YER AUKSION” ЭСМда тегишли электрон бланка тўлдиради ва закат миқдорини тўлайди. Электрон бланка қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

юридик шахс номи ёки якка тартибдаги тадбиркор фамилияси, исми ва отасининг исми (агар шундай бўлса);

солиқ тўловчининг идентификацион рақами; кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

иш режими (иш кунлари, иш вақти); ташқи савдо объектини жойлаштириш муддати, бунда бу муддат 6 ойдан ошмаслиги керак;

электрон почта манзили;

кўчма савдо субъекти, унинг ишчиларини улар томонидан амалга ошираётган фаолиятга, шунингдек ушбу фаолият жараёнига белгиланган жиҳозларни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар.

33. Электрон бланкани тўлдирилганидан сўнг, иштирокчи “YER AUKSION” ЭСМга киритган маълумотларни ҳаққонийлигини электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлайди.

34. Аукцион якунида “YER AUKSION” ЭСМда автоматик режимда аукцион ғолибининг номи ва охириги таклиф баҳоси акс этирилади.

35. Агар аукционни якуний ҳолатига фақат бир иштирокчи томонидан таклиф киритилган бўлса, ғолиб деб ушбу иштирокчи топилади.

36. Аукцион ғолиби икки иш кунидан кечиктирмай кўчма савдо жойи тўлиқ нархини тўлаши лозим. Бунда илгари киритилган закат миқдори кўчма савдо жойи нархи ҳисобига қўшиб ҳисобланади.

37. Агар белгиланган муддатда кўчма савдо жойининг тўлиқ нархи тўланмаса, аукцион ўтказилмаган ҳисобланади, ва ғолибининг закат миқдори қайтарилмайди.

38. Кўчма савдо жойи нархи тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлар ёрдамида амалга оширилади.

39. Кўчма савдо жойи нархи тўлангани тасдиқланганидан сўнг ғолибга “YER AUKSION” ЭСМ орқали кўчма савдо объекти рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи QR-код (матрица-штрих код) қўйилган электрон хужжат автоматик тарзда юборилади.

40. Аукцион якунланганидан сўнг аукцион иштирокчиларига 3 иш кунида закат миқдори қайтарилади, аукцион ғолиби бундан мустасно.

41. Рўйхатга олинган кўчма савдо жойи жойлашув схемасида кўчма савдо объектини жойлаштириш даврида бандлигини кўрсатувчи махсус белги билан белгиланади.

§ 4. Кўчма савдо амалга оширадиган транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш тартиби

42. Кўчма савдо амалга оширадиган транспорт воситаси савдо ўтказилмасдан жойлашув схемасиз “YER AUKSION” ЭСМда рўйхатдан ўтказилади. Транспорт воситаси GPS трекер билан жиҳозланган бўлиб, тадбиркорлик субъекти “YER AUKSION” ЭСМ операторига GPS трекер маълумотларига рухсат беради.

43. Транспорт воситасини “YER AUKSION” ЭСМда рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли электрон бланкани тўлдиради ва мазкур Низом 20-бандида кўрсатилган миқдордаги йиғим пулини тўлайди.

Электрон бланка қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

юридик шахс номи ёки якка тартибдаги тадбиркор фамилияси, исми ва отасининг исми (агар шундай бўлса);

солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

транспорт воситасининг давлат белгиси рақами;

кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

иш режими (иш кунлари, иш вақти);

ташқи савдо объектини жойлаштириш муддати, бунда бу муддат б ойдан ошмаслиги керак;

электрон почта манзили;

тегишли кўчма савдо субъекти, унинг ишчиларининг ўзлари амалга ошираётган фаолиятга, ушбу фаолият жараёнига белгиланган жиҳозларни қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлари.

44. Йиғим пули тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизими ёрдамида амалга оширилади.

45. Электрон бланка тўлдирилганидан сўнг, “YER AUKSION” ЭСМ тадбиркорлик субъекти томонидан киритилган маълумотларни онлайн режимида қайта ишлайди ва кўчма савдо объекти рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи QR-код (матрица-штрих код) қўйилган электрон хужжат автоматик тарзда юборади.

46. Рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи электрон хужжат шунингдек тадбиркорлик субъектининг электрон почта манзилига ҳам юборилади.

47. Тадбиркорлик субъектида кўчма савдо амалга ошириш учун бир неча транспорт воситалари мавжуд бўлганида, ҳар бир транспорт воситаси алоҳида рўйхатдан ўтказилади.

§ 5. Кўчма савдо объектлари ҳисобини юритиш тартиби

48. Ваколатли идора кўчма савдо объектлари ҳисобини ваколатли идора расмий сайтида жойлаштириладиган ва электрон шаклда юритилладиган кўчма савдо объектлари Реестри (кейинги ўринларда – реестр)да амалга оширади.

49. Реестрга ҳар бир таклиф этилган кўчма савдо объекти бўйича қуйидаги маълумотлар киритилади:

рўйхатдан ўтган сана ва унинг рақами; юридик шахс номи ёки якка тартибдаги тадбиркор фамилияси, исми ва отасининг исми (агар шундай бўлса);

солиқ тўловчининг идентификацион рақами;

кўчма савдо объектининг ихтисослашуви;

иш режими (иш кунлари, иш вақти);

кўчма савдо амалга ошириш кўзланган (транспорт воситаси ёрдамида кўчма савдо амалга оширишдаги) транспорт воситасининг давлат белги рақами;

кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати;

кўчма савдообъектининг жойлашуви.

50. Мазкур Низомнинг 49-бандида кўрсатилган маълумотлар реестрга келиб тушган маълумотлар ҳисобига масъул бўлган ваколатли идора ходими томонидан киритилади.

51. Кўчма савдо объектлар тўғрисидаги маълумотлар автоматик режимда Давлат санитария-эпидемиология осойишталик марказига; вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига; вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасига; ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига; вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг ҳудудий бўлимларига юборилади.

§ 6. Кўчма савдо амалга ошириш муддатини тугатиш ва кўчма савдо объектини жойлаш муддатларини узайтириш

52. Кўчма савдони амалга ошириш жойи кўчма савдо объектини рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган умумий тартибда ўзгартирилиши мумкин.

53. Ваколатли идора кўчма савдо объектини реестрдан қуйидаги ҳолларда чиқариб юбориш ҳуқуқига эга:

мазкур кўчма савдо объекти тўғрисида тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланса;

юридик шахс, жисмоний шахс томонидан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти тугатилса;

кўчма савдо субъекти томонидан ушбу кўчма савдо объектидаги кўчма савдо фаолияти тўхтатилиши ҳақида хабар киритса.

54. Реестрдан чиқариш кўчма савдо субъектининг кўчма савдо объекти жойлашган жойда кўчма савдо амалга ошириш ҳуқуқини йўқотилишига олиб келади. Реестрдан чиқариш рўйхатдан ўтиш учун такрорий мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

55. Рўйхатдан ўтказишда кўрсатилган кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати ўтганидан сўнг, тадбиркорлик субъекти кўчма савдо объекти жойини бўшатиб қўйиши лозим.

56. Кўчма савдо объектини тегишли савдо жойида жойлаштириш муддатларини икки мартадан кўп бўлмаган узайтиришга йўл қўйилади (ушбу чеклов савдо автоматларига татбиқ этилмайди). Бунда, кўчма савдо субъекти кўчма савдо объектини жойлаштириш муддати ўтгунига қадар “YER AUKSION” ЭСМда кўчма савдо объектини жойлаштириш муддатини узайтириш тўғрисида электрон бланкани тўлдириши лозим. Электрон бланка тўлдирилганидан ва мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган миқдордаги йиғим пули тўланганидан сўнг, “YER AUKSION” ЭСМ кўчма савдо субъектининг электрон почта манзилига кўчма савдо объекти жойлашиш муддати узайтирилганини тасдиқловчи QR-код (матрица-штрих код) қўйилган электрон ҳужжатни автоматик тарзда юборади.

IV боб. Яқунловчи қодалар

57. “YER AUKSION” ЭСМда сақланадиган маълумотлар ҳамма учун очикдир.

58. Кўчма савдо объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш қонунчилиқда белгиланган тартибларга мувофиқ истеъмолчи ёки субистеъмолчи сифатида амалга оширилади.

59. Аукцион савдоларидан тушган тушумлар ва пул маблағлари йиғиндисининг 30 фоизи вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига, 70 фоизи тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тақсимланади.

60. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ижрочи:

Вилоят ҳокимлиги етакчи мутахассиси

Н.Қудратов





Виловят ҳокимининг
2020 йил “24” мартдаги
39-5-сонли қарорига
2-илова

**“YER AUKSION” автоматлаштирилган
ахборот тизимига уланадиган бошқарма ва ташкилотлар**

1. Виловят Санитария-эпидемиология назорати маркази
2. Виловят Давлат ветеринария бошқармаси
3. Виловят Қурилиш бош бошқармаси
4. Виловят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
5. Виловят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси
6. Виловят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси

Ижрочи:

Виловят ҳокимлиги етакчи мутахассиси

Н.Қудратов